Бутун дунё пролетарлари, бирлашингиз!

# ТОШКЕНТ оқшоми

Ўзбекистон Компартияси Тошкент шаҳар комитети ва халқ депутатлари шаҳар Советининг органи

ГАЗЕТА 1966 ЙИЛ 1 ИЮЛДАН ЧИҚА БОШЛАГАН. • № 149 (6. 040) • 1986 йил 30 июнь, душанба • Баҳоси 3 тийин.



КПСС XXVII съезди қарорлари — ҳаётга

Муаммолар: изланиш ва ечим

## Қудратли омиллар

**Тошкент тўқимачилик комбинатидаги 1-йигирув-тикув фабрикаси йил бошидан бери планга қўшимча тарзда 100 минг метр газлама тўқиб чиқарди. Узоқ вақтдан бери қолоқлар сафига тушиб қолган коллектив аҳволни ўнглаб олди ва илғорлар қаторидан жой олди. Корхонада беш йилликнинг охирига мўлжалланган реконструкцияни кутиб ўтирмасдан ишларни жадаллаштиришга эришдилар.**

... Фабрика 30-йилнинг ўрталарида қурилган эди. Ускуналарнинг ярми ҳам ўша кезларда ўрнатилган. Дастгоҳлар маънавий жиҳатдан ҳам, «жисмоний» жиҳатдан ҳам эскириб қолди. Бундан 15 йил муқаддам фабрикани бузиб ташлашга қарор қилишган эди. Кейинчалик бу қарор бекор қилинди. Аммо корхонани ривожлантириш учун маблағ ажратилмади. Кадрлар қўнимсизлиги бўйича фабрика комбинатда «биринчи ўрин»ни эгаллаб келаверди. Сентябрь ойида тўқув ишлаб чиқариши орқада қолаётгани туфайли лента-пилталаш цехи тўхтаб қолди.

Худди ўша кезда корхонада яхшилик сари бурилиш бошланди. Бу яхши ишга фабриканинг янги директори В. Ф. Шименева бош-қош бўлди.

Ишни... аёллар учун маиший комплексни бунёд этишдан бошлашга қарор қилдилар. Фабрикада илгари ҳеч қачон ечиниш хоналари бўлмаган эди. Шкафлар тўғридан-тўғри цехларнинг ўзига қўйилган эди. Бунга кўникиб ҳам қолинганди. Бора-бора корхона бузилишини кутишди. Сўнг реконструкция бошланди.

Комплексни бунёд этмоқ учун маъмурий бинонинг бутун бир қаватини ажратиб беришди. Мана энди бугун комбинат хизматчилари кафели ярқираб турган душхоналар, сауна, саранжом-саришта, файзли-қутли дам олиш хоналарини кўриш учун «экскурсия»га келмоқдалар. Аёллар комплекси бунёд этишга қарор қилинганида кўпчилик, жумладан фабрика аёллари ажратилган маблағлардан бирон-бир цехни ремонт қилиш учун фойдаланса маъқул бўлмасмикан, деган хаёлга ҳам боришган эди.

Аммо ҳар қалай қурилиш ғайрат-шижоат билан бошланди, шанбаликлар ўтказилди. Айни вақтда меҳнатни механизациялашга ҳам киришилди. Ҳамма ускуналарни алмаштиришнинг имконияти йўқ эди. Лекин реконструкцияни пойлаб ўтириш ҳам инсофдан эмас. Шу боисдан ҳам кичикроқ, бажарса бўладиган программа тузиб чиқилди, иш вақтининг исроф бўлиши таҳлил қилинди. Иш вақти қайси участкаларда беҳудага кетаяпти, иш мароми қаерда бузилаяпти — ҳаммасини белгилаб олишди. Даставвал, йигирув ишлаб чиқаришининг участка ва цехларини ўзаро боғлайдиган симли транспортер алмаштирилди: трос чўзилиб кетар, шу боисдан дам-бадам конвейерини тўхтатиш лозим бўларди. Шундан кейин мураккаброқ тадбирларни амалга оширишга киришилди.

Фабрикадаги калава-танда бўлими кўпинча панд бериб қўяр эди. Ана шу муҳим участкада ишчилар етишмасди. Илгари калавачи касбини эгаллаб олган студентлар ва инженерлар ёрдам бериб туришарди. Лекин бу «авария варианти» ишнинг бир маромда боришини таъминламади. Қўшни мактаблар билан ҳамкорлик қилиш танг аҳволдан чиқиш имконини берди. Фабрика райондаги икки ўқув ишлаб чиқариш комбинатида машиналар ўрнатиб, тажрибали усталарни юборди. Неча ўнлаб юқори синфда ўқиётган қизлар калавачи касбини эгалладилар. Энди улар ҳафтасига бир марта корхона цехларига келиб ишламоқдалар.

Бригада пудрати ҳар бир ходимнинг интизомини мустаҳкамлаб, масъулиятини оширишга ёрдам берди. Ахир бекор туриб қолиш ҳолларига қарши кураш — меҳнат интизомини мустаҳкамлаш деган гап. Илгари интизом бузувчиларга маъмурият чора кўрган бўлса, эндиликда интизомнинг ҳар бир бузилиши ишчи йиғилишларида муҳокама қилинмоқда.

Ҳамиша бўлганидек, бу гал ҳам кекса, тажрибали ишчиларга суяндилар. С. Пўлатов, В. Гераськина, Т. Кочиева, Д. Қулматова, В. Шаболина каби ветеранлар нормани бир ярим-икки баравар ошириб бажариш билан бир қаторда ёшларни ҳам орқаларидан эргаштирдилар.

Йил бошидан бери фабрикада калава ишлаб чиқариш ўтган йилнинг шу давридагига нисбатан 15 процент кўпайди. Ускуналарнинг бекор туриб қолиши 8 процент камайди.

Ҳозир биринчи йигирув тўқув фабрикасида тўқимачилик саноати корхоналарини лойиҳалаштириш бўйича Москвадаги биринчи давлат лойиҳалаш институтининг мутахассислари ишламоқдалар. Комбинатдаги энг кекса корхонани реконструкция қилишнинг техникавий-иқтисодий асослари яратилмоқда. Жадаллаштиришнинг яна ҳам қудратли омиллари ишга тушмоқда.

## ХУШХАБАРЛАР

● «Средазтрансстрой» трестига қарашли 623-қурилиш-монтаж поездининг коллективи Сирдарё рефрижератор депоси меҳнаткашлари учун 400 ўринли ётоқхонани қуриб фойдаланишга топширди. Янги ётоқхона лойиҳаси қулайлиги билан ажралиб туради. Иш сифатига ҳам «аъло» баҳо берилди.

● Тошкентдаги 8-автопарк новаторларидан В. Давидов билан Д. Власовлар «Икарус» автобуслари учун аккумулятор батареяларини қайта тиклашнинг оддий ва тежамли усулини ишлаб чиқдилар. Улар лойиҳалаштирган иситгич ёрдамида аккумуляторнинг қопқоғи осон очилади. Бу эса ишдан чиққан батареяларнинг қарийб 80 процентини қайта тиклаш имконини беради.

(ЎзТАГ ва ўз мухбирларимиздан).

## Ўзбекистон Компартияси Тошкент шаҳар комитетида

28 июнда бўлиб ўтган Ўзбекистон Компартияси Тошкент шаҳар комитетининг III пленумида «КПСС XXVII съезди қарорлари асосида иқтисодий ва социал ривожланишни, фан-техника тараққиётини жадаллаштириш эҳтиёжларини ҳисобга олган ҳолда ишчилар синфининг муносиб ўринбосарларини тайёрлаш бўйича шаҳар партия ташкилотининг вазифалари тўғрисида»ги масала кўриб чиқилди. Шаҳар партия комитетининг биринчи секретари Б. Сатин доклад қилди.

Доклад юзасидан музокараларда Куйбишев район партия комитетининг биринчи секретари Н. И. Емельянов, «Средазэлектроаппарат» ишлаб чиқариш бирлашмасининг электр монтажчиси Л. А. Валетова, Тошкент шаҳар Совети ижроия комитети раисининг биринчи ўринбосари Э. А. Ризаев, В. П. Чкалов номидаги авиация ишлаб чиқариш бирлашмаси партия комитетининг секретари Б. Юсупов, 159-қурилиш трести комплекс бригадасининг бригадири Х. Раҳматуллаев, шаҳар ҳунар-техника таълими бошқармасининг бошлиғи Ш. Содиқов, ошхона ва бошқа мебеллар заводининг директори С. Т. Мақсудов, «Главташкентстрой» бошлиғи К. П. Дудин, кўн-галантерея буюмлари ва спорт товарлари ишлаб чиқариш бирлашмасининг ишчиси М. Муйдинова, Ўзбекистон ССР Маориф министрининг ўринбосари Ҳ. Қ. Йўлдошев, шаҳар комсомол комитетининг биринчи секретари С. С. Мўминов, Тошкент шаҳар Совети ижроия комитети раисининг ўринбосари В. Аловутдинова сўзга чиқдилар.

Пленум муҳокама этилган масала юзасидан кенгайтирилган қарор қабул қилди.

Пленум ташкилий масалаларни кўриб чиқди.

Шахсий илтимосига кўра бошқа ишга ўтганлиги муносабати билан Х. Тошхўжаев шаҳар партия комитетининг бюроси аъзоси вазифасидан озод этилди.

Пленум К. Н. Тўлагановни Тошкент шаҳар Совети ижроия комитети раисининг ўринбосари этиб сайланганлиги муносабати билан шаҳар партия комитети қурилиш ва шаҳар хўжалиги бўлимининг мудири вазифасидан озод қилди.

О. С. Алихўжаев шаҳар партия комитети қурилиш ва шаҳар хўжалиги бўлимининг мудири этиб тасдиқланди.

Пленум иши тўғрисидаги батафсил ҳисобот газетанинг яқин сонларида ёритилади.



## Пахта заводлари учун



**«Сигнал» илмий ишлаб чиқариш бирлашмаси конструкторлик бюросида пахта заводларининг лабораториялари учун приборларнинг янги туркуми яратилди. Уларни ишлаб чиқариш ҳам шу ернинг ўзида йўлга қўйилди.**

**Мазкур приборлар ёрдамида тайёрлов пунктларига келтириладиган пахтанинг нави, ифлослиги ва намлиги каби муҳим характеристикаларини аниқлашдек сермеҳнат жараённи саноқли минутларда бажариш мумкиндир. Пахтани қабул қилиш автомат системаси комплексига кирувчи ҳисоблаш машинаси қабул қилинган ҳар бир туркум хом ашё массасини ҳисоб-китоб қилиб боради. Бу эса уни сақлаш учун энг қулай шарт-шароитни танлашда ёрдам беради.**

**Конструкторлар олдида турган асосий вазифа пахтани қайта ишлаш саноати учун микропроцессорли техникага асосланган приборларни яратишдан иборат. Бундай приборларни ишлатиш учун махсус шароит ва кўникма талаб қилинмайди.**

**Шу билан бирга «Сигнал» илмий ишлаб чиқариш бирлашмаси метеорология станциялари учун аниқ приборларни ҳам тайёрлаб чиқаради.**

**СУРАТЛАРДА: етакчи конструктор Владимир Левченко ва инженер-конструктор, техника фанлари кандидати Сараи Бибхакар (чапда) автоматлаштирилган йиғув жараёни учун мўлжалланган робототехника комплексининг программаси устида иш олиб бормоқдалар. «СМ-1800» ҳисоблаш комплекси асосида йиғилган ўзгарувчан логика туфайли мазкур системани қайта созлаш мумкин. Бундай комплекс республикамизда биринчи марта яратилди; монтаж участкаларидан бирида — олдинги планда пешқадам радио монтажчи Елена Косухина.**

А. Кошкин фотолари. (ЎзТАГ фотохроникаси).

## ИЖОДИЙ ИЗЛАНИШЛАР

Бундан ўн йил муқаддам «Оптимист» ҳаваскорлик театр студиясига асос солинган эди. Тошкентдаги тўқимачилик маданият саройида фаолият кўрсатаётган мазкур коллектив шу орада қатор талантлар ҳисобига бойиб, репертуарида янги-янги асарлар пайдо бўлди.

Студия яқинда шу куннинг темасида ёзилган «Шафқат йўқ» асарини саҳнага олиб чиқди. Мазкур постановка тексти ҳам, костюм ва декорацияларини ҳам ҳаваскорларнинг ўзлари тайёрлашган.

Ҳаваскорлар санъаткор Г. Малинко бошчилигида яна бир пьеса устида иш бошлади. Машҳур драматург М. Шатровнинг «Прежевальский самани» деб номланган асарини театр студияси яқин орада томошабинларга тақдим этади.

Замондошимиз



**Мавлуда Қорабоева меҳнат қилаётган цехда «Анимометр» деб номланган мослама тайёрланади. Унинг хизмати жуда оддий. Шамолнинг тезлигини, йўналишини аниқлайди. Мосламанинг аниқ ишлаши ниҳоятда муҳим. Айниқса, қишлоқ хўжалиги учун юз бериши мумкин бўлган тасодифларнинг олди олиб қолинади. Қўйиладиган жала, ҳароратнинг кескин ўзгариши ҳақида деҳқон ва чорвадорларга олдиндан хабар қилинади. Натижада экинлар сақлаб қолинади, ҳосил мўл бўлади.**

**Буларнинг ҳаммаси ишчидан масъулият ва интизомни талаб этади. Мосламанинг ҳар бир мурувввати бир-бирига пухта пайвандланган, маромига келтириб созланган бўлиши керак. Бу масъулиятни Мавлуда Қорабоева етакчилик қилаётган слесарь-йиғувчилар бригадасининг аъзолари жуда яхши ҳис қилишади. Коллективга 26 қиз уюшган. Касб сирларини бригада бошлиғининг ўзидан ўрганишган.**

**М. Қорабоева «Сигнал» илмий-ишлаб чиқариш бирлашмасидаги самарали меҳнати билан обрў топди. Фидокорлиги, ҳалоллиги ва жонкуярлиги учун партия аъзолигига қабул қилинди. Ўзбекистон Компартияси XXI съездида делегат бўлиб қатнашди. У ҳозир жадаллаштириш программасини турмушга жорий қилишда фидокорлик кўрсатиб ишламоқда. Шахсий намунаси билан коллективдаги барча ишчи ва хизматчиларни ижодкорликка, тежамкорликка, илғор тажрибани кенг жорий қилишга даъват этяпти. У етакчилик қилаётган бригада ҳозир иккинчи ярим йиллик ҳисобига маҳсулот тайёрламоқда.**

**СУРАТДА: Мавлуда Қорабоева.**

Т. Каримов фотоси.

**Об-ҳаво ва саломатлик**

Семашко номидаги курортология ва физиотерапия илмий-тадқиқот институти директори, Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган фан арбоби, профессор Н. Мажидов таҳрири остида.

## Мавсумий чиниқиш

Агар бемор кишининг об-ҳаво шароитига зудлик билан мослашишига қаратилган тадбирлар турли касалликлар оқибатида оғирлашиши олдини олишга қаратилган бўлса, буни зудлик билан чиниқиш деб аташ мумкин. Мавсумий чиниқиш тадбирларида эса, киши организмининг об-ҳаво қийинчиликларига бардошлилигини ошириш тадбирлари кўзда тутилади. Бунда, биринчи навбатда инсон организмидаги биологик қудратни ҳисобга олган ҳолда меҳнат қилиш ва дам олишни бир маромда вақти-вақти билан ўтказишга эътибор берилади. Шуни айтиш кераки, табиат инсон танасига биологик қудратни ўзи ато этган. Бу биологик қудрат инсон кайфияти билан бошқарилади. Унинг меҳнатга лаёқати ва саломатлиги шунга қараб белгиланади. Биз ҳамма вақт ҳам ўзимизни нохуш сезмаймиз, албатта. Агар синчиклаб кузатадиган бўлсак, йилнинг қайси фаслида кўпроқ толиқишимиз, чарчашимиз, ўзимизни нохуш сезишимиз аён бўлади. Масалан, қон босими, томир ва мия фаолияти пасайганда бундай ҳол юз беради. Бизнинг кузатишларимизга қараганда декабрь, январь, февраль ойларида бу ҳол юз беради. Шунинг учун ҳам бундай пайтда, бир ой олдин юрак-томир ва бўғин хасталиклари фаолиятини бир мунча яхшиловчи мавсумий чора-тадбирларни бажариш керак. Бу тадбирлар даволаш физкультураси, парҳез таомлар билан овқатланиш, ўзи-ўзини массаж қилиш ва шифобахш дори-дармонларни қабул қилишни тақозо этади. Юрак-томир системаси хасталанган беморларга врач тавсиясига кўра юқорида кўрсатилган уч ойнинг бирида шифобахш дори-дармонлар билан профилактика қилиш маслаҳат берилади.

Бундай беморлар учун ишлаб чиқариш гимнастикасини бажариш, айни чоқда жисмоний зўриқишни бир мунча чеклаш мақсадга мувофиқдир. Бундан ташқари, бир маромда масофани ошириш ҳисобига пиёда юришни жадаллаштириш ҳам керак. Машқларни ҳар куни бажариш лозим. Айниқса, оёқни чиниқтириш муҳим. Бунинг учун оёқни ҳўл сочиқ билан ҳар куни яхшилаб артиш ва у бир мунча чиниққандан кейин ювишга ўтиш керак. Айниқса, уйқу олдидан оёқни ювиш фойдалидир. Дастлаб сувнинг ҳарорати 30 даража иссиқ атрофида бўлиши лозим. Шундан кейин секин-аста сув ҳароратини 16 даража иссиққача пасайтириш мумкин. Оёқни ювиш 1—2 минут давом этади. Шундан кейин бармоқларни яхшилаб артиш, оёқ териси қизаргунча ва исигунга қадар ишқалаб-силаш керак.

Ҳозирги пайтда ҳар хил ҳаво ионизаторлари мавжуд. Масалан, ихчам электр стол ионизаторидан фойдаланиш мумкин. Салбий ионлар билан ой давомида ҳар куни танани чиниқтириб бориш мумкин. Ионизатордан фойдаланиш ўн минут давом этади. Бу жараённи исталган бўш вақтда, энг яхшиси эрталаб қабул қилган маъқул.

Бундан ташқари, овқатланиш тартибига ҳам риоя қилиш керак. Об-ҳаво кескин ўзгариб турадиган кунларда ўзини нохуш сезадиган беморлар, айниқса кўз фаслида витаминларга бой бўлган узум, қовун, шафтоли ва бошқа мева ҳамда сабзавотларни тўйиб истеъмол қилишлари айни муддао бўлади. Қиш фаслида эса организм катта калорияга муҳтожлик сезади. Бунинг учун хамир, крупали таомлар, консерваланган мевалар ва шарбатларни ўз вақтида тановул қилиш керак. Баҳор фаслида эса қўшимча витаминлар таомларни тўйимли қилади. Айниқса С витаминли ноз-неъматларга кўпроқ эътибор бериш керак. Бу витамин редиска, пиёз, салат таркибида кўп бўлади. Бундан ташқари, қуритилган ва консерва қилинган сабзавот ва мевалардан: майиз, ўрик, помидор, яшил нўхат, қулупнай, олхўри ва бошқа неъматларни истеъмол қилиш маслаҳат берилади.

Мавсумий чиниқиш пайтида шифобахш чора-тадбирлар мақсадида асал тановул қилиб туриш ҳам фойдалидир. У организмнинг ҳимоя хусусиятини оширади, асаб, юрак-томир ва бошқа аъзолар фаолиятини яхшилайди. Беморлар бундай об-ҳаволи кунларда ухлаш тартибига (бир суткада камида 8—9 соат ухлаш) риоя қилишлари лозим. Кам ҳаракат бўлиш, спиртли ичимликлар ичиш, чекиш мутлақо ярамайди.

## Шу ҳафта об-ҳавоси

Ўрта Осиё территориясида шу ҳафтада ҳаво оқимларида кескин алмашиш кутилмайди. Қуруқ ва жазирама иссиқ сақланиб туради. Кечаси 19—24, кундузи 37—42 даража иссиқ бўлади. Шарқдан секундига беш-етти метр тезликда шамол эсади.

Ҳафтанинг охирига бориб об-ҳавода бир мунча ўзгариш содир бўлади. Кечаси 16—21, кундузи 33—38 даража иссиқ бўлади. Ғарбдан секундига 9—14 метр тезликда шамол эсади. Ҳафта давомида ўртача ҳарорат кўп йиллик миқдордан бир оз ортиқ бўлади.

Н. А. Семашко номидаги курортология ва физиотерапия илмий-тадқиқот институти медицина метеорологик прогнозлари ва профилактикаси маркази мутахассисларининг фикрига кўра, иқлимий меъёрдан кам фарқ қиладиган бундай об-ҳаво шароити, ўзини нохуш сезадиган беморларнинг асосий қисми учун салбий таъсир кўрсатмайди.

Бироқ, ҳаво ҳарорати шу тарзда кўтарилган пайтда атмосфера босими ва ҳавода кислород зичлиги пасаяди. Бундай об-ҳаво бронхиал, юрак ва қон-томир хасталикларига чалинган беморлар кайфиятини безовта қилиши мумкин. Шунинг учун бундай пайтда очиқ ҳавода кўпроқ машғул бўлиш ва сайр қилиш тавсия этилади. Бундай пайтда жисмоний даволаш машқларига нафас машқларини қўшиб бажариш мақсадга мувофиқдир.

## Санъаткорларнинг сафар гастроллари

**Эстония ССР, Таллин (телефон орқали).** Тошкентнинг М. Горький номидаги рус давлат академик драма театри гастроллари бу ерда муваффақиятли ўтаётганлиги ҳақида ранг-баранг афишалар, матбуот хабарлари далолат бериб турибди. Таллиндаги рус давлат драма театри биносида бир неча кундан буён тошкентлик санъаткорлар ўз маҳоратларини намойиш этишяпти. Ҳамшаҳарларимизнинг эстон томошабинлари диққатига ҳавола этаётган спектакллари яхши қизиқиш уйғотмоқда. Театр коллективи бу ерда «Соат 3 дан 6 гача», «Ретро», «Какку уяси узра парвоз», «Аэропорт» сингари спектаклларни намойиш қилмоқда. Театр коллективи сафида СССР халқ артисти М. Мансуров, Ўзбекистон ССР халқ артистлари Н. Хачатуров, В. Павленко, Л. Грязнова ва бошқа қатор артистлар бор.

Театр коллективи Таллиндаги корхоналарнинг ишчи ва хизматчилари билан дўстлик учрашувларини ташкил этмоқда, ҳамкасблари билан ижод ва маҳорат ҳақида ўзаро фикр алмашмоқда.

* * *

**Қирғизистон ССР, Ўш области (телефон орқали).**

Бу ерда Тошкентнинг Муқимий номидаги республика музикали театр гастроллари қизғин ўтмоқда. Ўзбек санъаткорлари шаҳарда бир неча спектакллар намойиш қилганларидан кейин областнинг районлари бўйлаб яна сафарга йўл олдилар. Қирғиз томошабинларига «Тоҳир ва Зуҳра», «Узилган торлар», «Олтин даврим», «Мангулик», «Хотинимнинг эри», «Ёшликда берган кўнгил» сингари спектакллар кўрсатиляпти. Қардошлар диёрига марҳамат қилган санъаткорлар орасида Ўзбекистон ССР халқ артистлари Маҳмуджон Ғафуров, Ҳамза Умаров, республикада хизмат кўрсатган артистлар Ҳусан Шарипов, Бахтиёр Ихтиёров, Ўзбекистон Ленин комсомоли мукофоти лауреатлари Одина Ғозиева, Меҳмонали Салимов, Муҳаббат Каримова ва бошқалар бор.

Тошкентлик театр усталари Ўш областида гастроль сафарини тугатгач 6 июлдан бошлаб республикамизнинг Андижон области меҳнаткашларига маданий хизмат кўрсатадилар.

## Сўнгги соатда

**ФУТБОЛ БЎЙИЧА XIII ЖАҲОН ЧЕМПИОНАТИДА**

MEXICO86

Кеча

қарийб бир ой давом этган футбол марафони маррага етди. Мексиканинг пойтахти — Мехикодаги «Ацтека» стадионида чемпионлик унвонини қўлга киритиш учун Аргентина ва ГФР терма командалари ўзаро беллашдилар. Ўйиннинг биринчи ярмида аргентиналиклар ҳисобни очишга муваффақ бўлдилар. Иккинчи таймда Аргентина терма командасининг ҳужумчиси Вальдано Ғарбий германиялик футболчилар дарвозасига иккинчи тўпни киритиб, ғалабани яқинлаштирди. Бироқ ГФР терма командаси тушкунликка тушмади ва ҳужумни кучайтирди. Натижада улар аргентиналиклар дарвозабонини тўпни икки марта дарвоза тўридан олишга мажбур этдилар. Матч ниҳоятда кескин тус олди. Барча мухлислар ғолиб энди ё қўшимча вақтда ёки ўн бир метрли жарима белгисидан тўп тепишда аниқланса керак деб ўйлай бошладилар. Аммо аргентиналик футболчилар Шумахер қўриқлаётган дарвозага учинчи тўпни киритиб, бу тахминларга барҳам бердилар. ГФР терма командасининг ҳисобни тенглаштириш учун қилган барча ҳаракатлари муваффақият келтирмади. Шундай қилиб, Аргентина терма командаси иккинчи марта жаҳон чемпиони унвонини қўлга киритди. ГФР футболчилари иккинчи ўрин билан кифояландилар. Совринли учинчи ўринни Бельгия терма командасини 4:2 ҳисобида мағлубиятга учратган Франция футболчилари эгаллашди.

